ҲАЁТ ВА ЎЛИМ МУАММОСИ ТАСВИРИДА МИЛЛИЙ-ИСЛОМИЙ ТАЛҚИНЛАР

Х.ҲАМРОҚУЛОВА

В данной статье рассматривается интерпретация проблемы «жизни и смерти» в произведениях А.Кадыри с точки зрения национально-религиозных концепций.

In this article is covered interpretation of a problem «life and death» in products A.Qodiriy from the point of view of the national-religious concepts.

XX аср шўро даври ўзбек адабиётида ҳаёт ва ўлим муаммоси Абдулла Қодирий ижодидагина исломий талқинларига эга бўлди. Ёзувчи ижодига назар ташлар эканмиз, унда адиб шахсиятидаги шиддат, эътиқодидаги собитлик, миллий-исломий ўзлик яққол намоён бўлганига гувоҳ бўламиз. Абдулла Қодирий ижоди турли хил талқинларга асос берди. Адиб ҳаётлиги даврида бошланган баҳс-мунозаралар то ҳозирга қадар тинмагани ёзувчи ижодига жиддий ёндашиш, асарларини атрофлича таҳлил қилиш заруратини беради, янги талқинлар эҳтиёжини чиқаради. Чунки мағзи тўқ асар ўзидан маъно улашаверади. Шунга қарамай, Б.Каримов таъкидлаганидек, "адиб маънавий-руҳий дунёсининг асосий моҳиятини ташкил қилувчи энг катта омил – исломий тушунчаларнинг бадиий ифодаси масаласи холис ўрганилмади"[1]. Абдулла Қодирий романларида кўтарилган барча муаммоларнинг ечими, хусусан, ҳаёт ва ўлим масаласи ҳам исломий тушунчалар асосига қурилган эди. Асарларидаги миллий ўзлик ва исломий қадриятлар ўз даврида вульгар тадқиқотчилар томонидан сиёсий айб тақалишига олиб келди. Бу хусусда М. Қўшжонов, У.Норматов, Б.Каримовларнинг тадқиқотлари адиб ижодини холис ўрганишимизга катта манба беради. А.Қодирийга қатағон эшикларини очиб берган жиддий танқидий мақола хусусида М.Қўшжонов шундай ёзади: "Бу ВКП(б) МК Ўрта Осиё ва Қозоғистон бюросининг обрўли органи бўлмиш "За партию" журналининг 1928 йил март сонида "Биринчи ўзбек романи" номи билан эълон қилинган мақола эди... М.Шевердин мақоласи ўзбек танқиди ва адабиётшунослигида вульгар социологизмнинг бошланиши бўлди" [2]. Шундан сўнг мунаққид ўз китобида М.Шевердиндан бошланган танқид XX асрнинг 90-йилларигача қай ҳолда давом этганлигини синчиклаб назардан ўтказади, таҳлил қилади. Талқин ва таҳлиллардан маълум бўладики, расмий сиёсат Қодирийдаги миллий-исломий ўзлик билан келиша олмаган. Қолган масалалар давр сиёсати тевараги да айланаверган. Қолаверса, "вульгар социологизм ақидаларига амал қилувчи адабиётшунослар назарида Қодирий "савдогар ўғли", "майда буржуазия вакили", "майда буржуазия ёзувчиси" бўлиб қолаверди, ҳар қадамда шу ёрлиқ асосида камситилаверди" [3].

У.Норматов "Қодирий боғи", "Ўтган кунлар" ҳайрати", "Тафаккур ёғдуси" китобларида адиб шахсияти ва ижоди билан боғлиқ чигал жиҳатлар – 20-30-йиллар талотумларига эътибор қаратади. Кўринадики, ҳар қандай таъқибу тазйиққа қарамай, аввало, исломий қарашлар адиб шахсиятида бир бутун мазмунга эга бўлган ва қаҳрамонлари ҳаётига кўчиб ўтган. Ана шу муҳим омил адиб ижодининг ўзагини ташкил этди. Баъзида у қаламга олган айрим масалалар шахсий ҳаёт қобиғини ёриб чиқиб, умумбашарий тус олди, аммо исломий ёндашув асарлари учун асос бўлиб қолаверди. Ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий инкишофида исломий руҳ устиворлиги ҳам адиб позициясида миллий қадриятларнинг етакчи мавқе эгаллаганидандир. Аммо адиб яшаган муҳитда исломий қадриятларнинг инқирозга учраётганлиги унинг асарларида, хусусан, романларида матн остида ифода этилди. Роман қаҳрамони Отабек "...мозористонда "ҳай-ю алал-фалоҳ" хитобини ким ҳам эшитар эди!", дейди. Бу билан жамиятнинг тартибсизлиги "қўрқинч ҳолатга" келаётгани "бузғунчи ва низочи унсурлар томир ёйиб ҳар замон содда халқни ҳалокат чуқурига" тортаётгани ҳақида ёзувчи куйиниб огоҳлантиради. Тарихдан маълумки, ҳамиша миллат зиёлилар ҳисобига яшайди, аммо оломон туфайли жабр тортади. XX аср бошида Абдулла Қодирий романларидан бошланган оломончилик масаласи Тоғай Мурод ижодида ўз кульминациясига кўтарилди. Демак, оломончилик ҳар бир даврда жамиятнинг оғриқли нуқтаси сифатида қаламга

олинаверади. Оломончилик масаласининг алоҳида муаммо сифатида Вундт, Ле Бон, Мак Дугалл, Сигеле, Тард, Фрейд каби тадқиқотчилар томонидан “халқ психологияси”, “оммавий психология, “оломон психологияси” кўринишида ўрганишга, шахснинг ўз халқи, миллати, омма, оломон таркибидаги хулқини изоҳлашга уриниб кўришлари ҳам унинг умумбашарий аҳамияга молик масала эканини кўрсатади[4]. Юсуфбек ҳожи “бизнинг халқнинг ҳолига йиғлашни ҳам билмайсан, кулишни ҳам!” деганида айни оломонни назарда тутади. Демоқчимизки, оломон мавжуд жойда ҳеч қандай эътиқодга ҳам, ўзликка ҳам ўрин йўқ. Бу муаммони Қодирий ўз вақтида пайқаган, афсуски, ўзи ҳам оломончиликнинг қурбонига айланган эди.

Ўзини миллат фарзанди, унинг тақдирига ҳар жиҳатдан масъул деб билган Қодирий бадиий қаҳрамонларини зиёли шахслар орасидан танлайди. Зиёли шахс учун синфнинг аҳамияти йўқ, у ҳаммага баробар зиё улашаверади. Шунинг учун унинг бир қаҳрамони бадавлат хонадоннинг, яна бири қуйи синф вакилининг фарзандидир. Шунга қарамай, унинг қаҳрамонлари ўзаро дарз кетаётган инсоний қадр-қимматни, миллий-исломий қадриятларнинг олдини олишга интилади. Ва улар учун бу нарса ҳаёт-мамот масаласига айланади. Ҳажвиётларида диний қадриятларга қарши кураш рамзлар воситасида ишора қилинган бўлса, “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида исломий қадриятларнинг таназзули етакчи персонажлар қисмати мисолида таҳлил қилинган. Қаҳрамонлар тийнатидаги исломий руҳ ишқий-оилавий саргузаштлар, тарихий-ижтимоий ҳодисалар, даврнинг ижтимоий зиддиятлари билан туташ ҳолда талқин қилинди. Исломий-руҳоний ўзлик фақат персонаж тақдирига эмас, ижтимоий масалаларга ҳам бирдай дахлдор. Романдаги севги тарихи ёзувчи асл мақсадини ифодалашда восита холос. Адиб муҳаббат можаросида миллат дарди ва фожиасини акс эттирди. Жадидларнинг элни маърифатли қилиш ва халқни озод кўришдай буюк орзуси ёзувчи романларида давом эттирилди. Адибнинг қисқа умри давомида қолдирган бой мероси ҳам миллат маданиятига татигулик. Ижодини шеърлар ва мақолалар ёзишдан бошлаган Абдулла Қодирий умрининг сўнггигача тинимсиз изланишда давом этди. Қодирий ўткир публицист сифатида жамиятни безовта қилган муаммоларни қўрқмасдан қаламга олди. Баъзан бу довюраклик адибнинг шахсий ҳаётига салбий таъсир қилди. Аммо табиатан ҳақгўй ёзувчи оғир паллаларда ҳам ўзлигида собит қолди. Миллат дарди билан яшаш, курашувчанлик унинг бир қатор қаҳрамонларида кузатилади. Шўро ҳокимиятининг нотўғри сиёсати туфайли қамоқхона азобларига дучор бўлган адиб “Кўнгилда шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмаган, содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хорликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир”, деган эди. Ўша даврда кўпчилик мафкуранинг зуғумларидан, бевақт ўлиб кетишдан қўрқиб, Ислом динига қарши бўлганида, динни қораловчи асарлар ёзиб жонини сақлашга интилганида, ўтмишга эскилик сарқити деб қарай бошлаган бир пайтда, у “мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир”, деб билди ва ўзбек китобхонларига биринчи ўзбек романи бўлмиш “Ўткан кунлар” асарини тақдим қилди. А.Расулов таъкидлаганидек, “бадиий асар – ёзувчининг ботиний ҳолати кўзгуси. Бадиий асарни англаш, талқин қилиш, баҳолашда ёзувчи таржимаи ҳоли беқиёс аҳамиятга эга. Ҳаққоний ёзилган таржимаи ҳол бадиий матн руҳини, моҳиятини очишда бебаҳо манба”[5] бўлиб ҳисобланади. Абдулла Қодирий характеридаги айрим қирралар қаҳрамонларида, хусусан, Отабек ва Анвар қиёфасида янада бўртиб кўринади. Отабекнинг ўлим хавф солиб турганига қарамай виждонсизликдан юқори туриши фикримизнинг далилидир.

“Отабек ҳудайчи орқасидан кириб хонга таъзим қилади ва қўл боғлаб тўхтади. Отабек Мусулмонқул отини, унинг йиртқичлигини яхши билса ҳам, аммо ўзини кўрмаган, шунинг учун хоннинг ёнидаги хоқонга илтифот этмади. Унинг бу илтифотсизлиги Мусулмонқулга асарсиз қолмади-да , аччиғи устига аччиқ, кек устига кек қўшилди ва шулар ичидан ясалиб чиққан бир истеҳзо илжайиши ва бир товуш билан: – Менга қаранг, бек йигит, - деди. Отабек ўзига қарагач, - сиз ким бўласиз? – деб сўради. У ҳануз бояги масхара ҳолатда эди.

– Мен Отабек!

– Дунёда Отабекдан кўпи борми, сиз қандай Отабек?

– Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли!

–Ҳа-а-а шундоғ денг-чи... Тошкентлик Юсуфбек ҳожиким, Азизбегимизнинг гумаштаси бўлган зоти шарифнинг ўғиллари?

Отабек бу чўлтоқ супургини таниди ва унинг истеҳзоларини пайқади. У бундан сўнгги кўргилигини тамом маъноси билан англаб, маъносиз бу саволларга жавоб бериб ўтиришдан сукутни хайрлик топди. Гўё ўзининг бу сукути

билан Мусулмонқулга маънолик бир жавобни ифода қилар эди. Чиндан ҳам Мусулмонқул бу сукутдан таҳқирланди, тутуни кўкка кўтарилар экан, бақирди:

– Нега жавоб бермайсан?

–Сиз мени қандай таниган бўлсангиз – бўлингиз, мен ўшандоғ кишининг ўғли! – деди бек. – Мен билан отам сиз билан қушбегига бир неча турли бўлиб танилсак-да, ўз виждонимиз олдида бир турлигинадирмиз! Шунинг учун сиз тилаган тарафингизга ҳукм қилингиз-да, буйруғингизни бераверингиз!

Мусулмонқулнинг юзидаги бояги аччиғлар ерини бир завқланиш вазияти олди. Кулимсираш ичида Отабекни кузатар экан:

– Дов юрагининг бор экан, йигит... Ҳайфки, гуноҳинг бўйнингда,- деди ва чақирди, - жаллод!"("Ўткан кунлар", 99-б.)

Қодирийнинг қаҳрамонлари ўлим олдида довдирамайди, чунки чин мусулмон учун ўлим хавфли эмас. Эртами–кечми инсон ўлимга маҳкум, шундай экан Аллоҳнинг розилигини топиш билан ўлимга етишиш мусулмон одамнинг орзуси. Буни Қодирий ҳар вақт ҳис қилган, шу боис ўзидаги ҳиссиётлар қаҳрамонларига ҳам кўчиб ўтган. Ўлим билан юзмаюз келиш саҳналаридаги жасорат нафақат Отабекда, балки Анварда яна ҳам кучайтирилади:

"Даҳлиздаги Анвар биринчи хонадаги аъённи ҳайратга солиб, иккинчи танобийнинг бўсағасида, жаллодлар ўртасида тўхтади ва хонга таъзим адо қилди.

Рақибни бу қадар жасоратда кўрган Худоёрнинг киприк остлари учиб, соқол туклари силкинди ва бир оз сўз тополмагандек тамшаниб турди.

– Сен бизга хиёнат қилдинг, ит увли!

Анвар бош ирғатди.

– Иқрорман.

– Тузимни унутдинғ!

– Тонмайман!

– Иқрорсан, тонмайсан, ўбдон иш! – деди заҳарханда қилиб хон, - ўлувдан ҳам қайтмайсан!

– Мен сиздан марҳамат сўраб келган эмасман! – деди илжайиб Анвар, - ўзимни ўлимга бериб, бир гуноҳсизни қутқариш учун келганман!

Ҳамнишинлар лабларини тишладилар. Худоёр истеҳзоли кулди.

–Пусулмончилик қиғонсан-да!

– Албатта! – деди Анвар, - бошқалар киши гуноҳи учун гуноҳсизни тутиб, пусулмончиликдан чиққач, мен пусулмончилик билан ўлишни ўбдон билдим!

Бу жавоб Худоёрни қип-қизил тусга қўйиб, манглайида терлар кўринди, ғазаб ўти аланга олди.

– Сенинг қиғон ишинг пусулмончиликда борми, ит увли?!

– Мусулмончиликда юзлаб хотин устига, бир камбағал уйланмоқчи бўлган қизга ҳам зўрлик борми, қиблаи олам!

– Чиқар буни, жаллод!!!

Жаллодлар ҳаракатландилар.

–Ханжаримиз қонсираган!

Анвар бош чайқаб кулди.

– Гуноҳсизни менинг кўз олдимда банддан озод қилинмас экан, Анварни бу ердан чиқара олмаслар, қиблаи олам, - деди ва ўзини ташқарига торта бошлаган жаллодларни арслонларча силтаб юборди. – Сизда адолат борми, жаноб!

Қўрқинч бу ҳайқириқ Худоёрни инсофга келтирди"("Меҳробдан чаён". –Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959, 240-б.).

Агар Отабек Ўтаббой қушбеги ва Мусулмонқул билан тўқнаш келса, Анвар хоннинг ўзи билан юзма-юз келади. Айтиш лозимки, "Меҳробдан чаён" (1929) романи ёзилган даврга келиб, Қодирий қарашлари мустаҳкам тус олган, бу пайтда у "маънавий ўлим"ни босиб ўтган, "жисмоний ўлим" хавфи йўқолган эди. Шу боис унинг қарашларидаги кескин бир шиддат Анварга кўчиб ўтган эди. Анвар ва Отабекнинг ўлимга тик боқишида Отабекдаги сокинлик ва босиқликни, Анвардаги шиддат ва тезликни кузатиш мумкин. Бу, аввало, асар ёзилган даврдаги ёзувчи кайфияти билан, қолаверса, персонажларнинг асарда тутган мавқелари билан боғлиқ эди. Отабекнинг иккинчи дафъа ўлимга ҳукм қилинишидаги ҳолати, яъни ўлим олдида ҳамма нарсанинг бекадр бўлиб қолиши тасвирида Қодирий ўткинчи дунёнинг бебақолигига ишора қилади. Бадиий асарларда қаҳрамонларнинг ўлим олди ҳолатларини таҳлил қилар эканмиз, ўлим ҳамма учун бир хил қабул қилинмаслигини кўрамиз. Ўлимни қандай кутиб олиш қаҳрамоннинг ҳаёт кечириш тарзи, унинг диний эътиқодлари билан боғлиқдир. Ўлимни қўрқув билан қаршилайдиган персонажлар билан бирга уни оддий заруратдай қабул қиладиган қаҳрамонлар ҳам бор. Рус ёзувчиси Леонид Андреевнинг "Осилган етти кишининг ҳикояси"да ҳаётни Отабек каби англайдиган Вернер деган қаҳрамон бор. Асар 1931 йилда Чўлпон таржимасида ўзбек тилида нашр қилинган. Ёзувчи бошқа маҳкумлар қатори Вернерга тўхтаб ўтар экан, шундай деб таъриф беради: "Унинг битта тансиқ хосияти бор эди: дунёда бутун умрида бош оғриғи кўрмаган кишилар бўлгани каби, у ҳам қўрқувнинг нима

эканлигини билмас эди. Вернер ўлим жазосининг оддий ўлумлардан эмас, бошқа аллақандай бир нарса эканини англар эди, аммо ҳар ҳолда уни тинч қарши олмоққа қарор берди”[6]. Бу билан ҳар икки қаҳрамон ўлимга эмас, унинг ижрочиларига ўз нафратларини ўлимни тинч кутиб олиш билан билдирадилар ва руҳ эркинлигини шу тариқа намоён қиладилар. Анвар билан боғлиқ ўлим олди ҳолатлари эса Отабекникидан фарқ қилади. Анвар Отабекдай “гарангсиган” ҳолда қолмайди. Ёзувчи унинг шу топдаги ҳолатини чизади: “Кўзи қонланган Анвар, икки қўлини ёнига ташлаб Худоёр қаршисида туриб қолди. Ҳамма сукутда. Шундай фурсатларда гуноҳкорни одобсиз сўзлар билан сўкиб турувчи Худоёр ҳам жим. Чунки аъён назарида ҳар бир одобсизлигига Анвар тарафидан кучли бир ҳақорат олиш эҳтимоли бор. Шайхи Саъдий айтганча, дунёда ҳаётидан қўл ювгувчидек тили узун киши бўлмас. Дарҳақиқат, инсонни разолатга солгувчи унинг манфаати тақозоси, қола берса ўлимдир. Бу иккисидан кечгувчига эса на подшоҳнинг қаҳри ва на жаҳаннамнинг қаъри фарқсиздир” (“Меҳробдан чаён”, 240-б.). Юқорида таъкидлаганимиздек, Анвар образидаги кескин бурилиш Қодирий шахсий ҳаётидаги кечинмалар билан боғлиқ эди. Роман ёзилиб, дунё юзини кўргунга қадар Қодирий анча синовларда тобланган, Отабек ва Анвар йўлини ўз ҳаётида босиб ўтган эди. Қодирий кечирган қийинчиликлар олдида ўлим ўз қўрқинчини йўқотган, шунинг учун унинг Анвари хонга ишорат қилиб, “...қўлимни боғласинлар, чиқариб ўлдирсинлар!”, дея ҳайқиради. “Анвар ўзини ўрдага киришда қандай тетик тутган бўлса, ўлим сари чиқишда ҳам ўшандоғ парвосиз эди” (“Меҳробдан чаён”, 241-б.). Анварнинг дор остидаги ҳолатларида адолат тантанаси зуҳур қилади. Унинг Абдураҳмон домлага қарата: “ ...сиз ифлос виждон билан ғолибсиз, мен соф фиждон билан мағлубман... Мени дор остига ким келтирди? Виждон эмасми, тақсир! Сизни бу ерда ким томошабин қилди? Ифлослик эмасми, тақсир?” дейишида ёки “Менинг ҳолимни кўрингиз, домла, қўлим боғланган, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан... Нима учун бундай, тақсир? – Чунки виждон роҳатда, жон тинч, юракда ишқ” (“Меҳробдан чаён”, 242-б.), - деб эътироф этишида Қодирий шахсияти бўртиб кўринади.

Қодирий талқинида соф исломий ақидалар остида тарбия топган миллат зиёлилари адолат учун курашади. Бу йўлда, ҳатто, ўлим ҳам уларга қўрқув сола олмайди. Ҳақсизликка қарши бундай жанговарлик Қодирий табиатига хос эди. Шунинг боис ҳам 1926 йил “Йиғинди гаплар” ҳажвияси учун қамалганда, сиёсий айблар ва дағдағалардан чўчимай, ўз шаънини ҳимоя қилган, “мен тўғрилик орқасида бош кетса, “их” дейдирган йигит эмасман”, -деган эди.

Адиб “Ўткан кунлар” романида сайёр сюжетларга хос бўлган бадиий унсурлардан қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини кўрсатишда фойдаланади. Бу унсурлардан бири хатдир. Хат туфайли Отабек икки бор ўлимга тўқнаш келади ва ҳар иккисида ҳам Ўтаббой қушбегини ҳайратда қолдириб, тақдирнинг иноятн билан омон қолади. Қодирий қаҳрамонларининг тақдирга ҳавола қилиниши адабиётшунос Б.Каримнинг ҳам эътиборини тортган. Хусусан, у шундай деб ёзади: “Қодирий қаҳрамонлари табиий равишда тақдири азал ҳукми остида ҳаракат этадилар. Баъзи ўринларда адиб ўз қаламининг ожизлигини тан олиши ҳам шундан бўлса ажаб эмас. Қодирий қаҳрамонларини судрамайди, мажбурламайди, улар якунга ўз табиатлари мантиғига кўра борадилар. Шу жумладан ўлим остонасига ҳам”[7]. Хат фақат қаҳрамонни ўлимга рўбарў қилиб қўймайди, балки Отабекнинг ички оламини яна-да очиб беради. Энди Отабек ички ва ташқи сифатлари бир бутун инсон сиймосини касб этади. Зиё шоҳичиникида юрт қайғуси ҳақида куйиниб гапирган инсон “Ҳақсиз жазо!” деб кулимсираб қўйиш билан яна бир поғонага кўтарилади. Хат туфайли персонажлар бир ерга жам бўладилар. Ана шу жамликда манфаатлар тўқнашади, тубанлик устидан ғалаба қилинади. Бу билан ёзувчи адолат ҳамиша қарор топишини англатиб ўтади. Чунки тақдири илоҳий остидаги бандага Яратган ҳеч адолатсизлик қилмайди. Хатнинг яна бир вазифаси персонажнинг ўлим олди вазиятларида унинг ҳақиқий ҳолатини кўрсатиш, чин бир мусулмон, эътиқодда покдомон одамнинг ўткинчи дунёдан жисман ва руҳан баланд тура олишини Отабек мисолида англатиш эди. Хат орқали нафақат эркак персонажларнинг балки аёл персонажларнинг ҳам руҳияти очила боради. Умуман, Қодирий асарларида хат воқеалар ривожини таъминлашда, муҳим кульминацион нуқталарни белгилашда ўрин тутган.

Абдулла Қодирийга хос оҳанг, руҳ, кейинчалик, бадиятга муҳр бўлган қаҳрамонлари характерига кўчиб ўтади. “Мусулмон адабиёти фалсафасида руҳий-маънавий покланув масалалар масаласидир”[5;29],- деб ёзади А.Расулов. Қодирий талқинидаги Отабек ва Анвар образларида руҳий-маънавий олами баланд инсон тажассум топди. Зеро, маъна-

вияти юксак халқгина йўлидан адашмайди, ўз жиловини ўзгалар қўлига топширмайди, зиёлиларини қурбон қилмайди. Қодирий қаҳрамонлари улар учун шахсий ҳаётлари эмас, умум манфаати олд қаторга кўтариладики, бунда ҳеч қандай сохталикка, зўрмазўракиликка йўл қўйилмайди.

Ёзувчи ҳаёт ва ўлим масаласи ҳал қилинаётган дамларда Отабек ва Анвар қиёфасида шиддатни, тириклик ва ўлим аро жон талашаётган Кумуш мисолида эса миллат аёлига хос латифликни бера олади. Кумушнинг заҳарланиши эпизоди китобхонни қанчалар даҳшатга солса, айни шу ўринларнинг инжа тасвиридан ҳайратга тушамиз. Асарнинг энг мунгли ва ёркин ҳолатлари ҳам Кумуш билан боғлиқ. Жон талвасасидаги Кумушнинг қайнотасини таниб қўзғалмоқчи бўлганида ҳам ўзбекона ҳаё мужассам. Қаҳрамон узрли ҳолатда ҳам адиб маҳорати туфайли яна бир бор иффат билан безанади. Маълумки, жон чиқар ҳолати ўша кечинмани бошидан ўтказаётган кишигагина маълум. Манбаларда айтилишича, бунда киши турли ҳолатга тушади.

Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи вассаламдан ўлимнинг шиддати ҳақида сўралганида дедилар: “Ўлимнинг энг енгили, бамисоли, жунга қадалган тиканларни тортганда ҳар бир тикан жун билан қўшилиб суғурилиб чиққани кабидир”[8]. Ана шундай оғир паллаларда Кумуш теварагига бетоқат қарайди ва “ойи... дада... – сўнгра, - бегим!” - дея инграйди ва уялгансимон кўзларини юмади. Ҳаёт ва мамот оралиғидаги аёл ҳолатларининг бу қадар инжа тасвири Қодирийгагина хос ва бетакрордир. Агар тўғридан-тўғри “бегим” дея Отабекка мурожаат қилганида ҳам унинг ҳаққи бор эди, аммо ундаги ҳаё бунга йўл қўймайди. Кумуш талқинида Қодирий “инсон шарафининг гултожи бўлмиш номус, уят каби муқаддас туйғуларнинг одамзот қалбидан абадий маскан топишини орзу қилган” (Ҳайриддин Султонов), бутун ижодида шу мақсадни англатиб ўтган эди.

Кузатсак, “Ўткан кунлар” романидаги энг фожиали лавҳа Кумушнинг заҳарланиши эпизодидир. Агар Отабек ва Анвар ўлимни бўйнига олиб хонга рўпара келган бўлса, Кумушнинг ўлими кутилмаган ҳолда рўй берди. Кумуш ўлимининг сабабларини Хушрўй ва Зайнаб характерларидан излаш лозим. Персонажлар характерини текшириш асносида қуйидагиларни айтиш мумкин: Хушрўй ўта ақлли ва худбин, шу билан бирга агрессив кайфиятда-ги аёл. Шу боис у ҳаммани ўзи билан ҳисоблашишга мажбур қилади. Унинг худбинлиги агрессивлигига хизмат қилган. Зайнаб пассив ва унда олигофрения аломатлари кўринади. Чунки у мустақил фикрламайди, унда ҳамиша кимнингдир йўриғига юришга мойиллик сезилади. Шу хусусияти билан у “Сароб” романидаги Сорахон образига яқин туради. Зайнабнинг ўрнида Хушрўй Кумушни заҳарламаган бўларди, чунки у ҳодисанинг оқибатини кўра олади. Шунинг учун ҳам у ўз кундошини ўлдирмай азобладики, кундоши онгли равишда хонадонни тарк этди. Хушрўй ақллилик билан Зайнабни жиноятга йўллади, Зайнаб эса кейинги тақдирини ўйлаб ҳам кўрмади ва жиноятнинг иштирокчисига айланди. Хуллас, Зайнабнинг олигофренлиги Хушрўйнинг агрессивлигига хизмат қилди ва Кумуш ҳаётдан кўз юмди. Зайнаб тақдирини кузатар эканмиз, ўлим нафақат жисмоний якун, балки у киши руҳиятида кескин ўзгариш ясовчи куч бўла олганлигини кўриш мумкин. Кумуш ўлимининг ўнинчи кунларида Зайнабнинг жинни ҳолида кўчада юриши ва яқинлари томонидан кишанга солиниши унга нисбатан муносиб жазо бўлди. Аммо ҳали жиннилик тўлиқ жазо эмас, энг аянчлиси ҳали олдинда эди: энг яқин кишиси - Отабек унга “кет!” амрини берди - Зайнаб тирик мурдага айланди.

Абдулла Қодирийнинг эстетик идеал даражасига кўтарилган қаҳрамонлардан бири Кумуш образидир. Кумуш исломий ақидалар асосида шаклланган ўзбекчилик қадр-қиммати, гўзал одоб, шарқона маданият, ибо, ҳаё, назокатни ўзида жам қилган мусулмон аёлидир. У ўзига юклатилган фарзандлик, келинлик, хотинлик вазифаларини адо этар экан, ўзбекона удум, ҳаё ва ибо чегарасидан чиқмайди. Мамлакатдаги ички низолар, мустамлака истибдоди остида дарз кетаётган миллий қадриятлар, янги жамиятни қуришда покдомон инсонлар зарурлиги, мўътадил маънавий муҳит ва мезонларнинг устуворлигини таъминлаш зарурати адибдан ўтмиш ва келажакка сабоқ вазифасини ўтовчи қаҳрамонлар яратишни тақозо қилган. Кумуш образи ҳам юқоридаги қаҳрамонлар каби ўзига хос ижтимоий-маънавий вазифаларни адо этган.

Одатда, бадиий асар, унинг қаҳрамонлари ижодкор биографияси билан муштарак ҳолда ўрганиладики, сабаби, ижодкор кечинмалари, ҳис-туйғулари, ҳаёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўз қаҳрамонига сингдириб юборилади. Қодирий номини абадиятга муҳрлаган қаҳрамонларида адибнинг шахси яшайди. Кузатганимиз лавҳаларда ҳаёт ва мамот муаммосининг исломий ва миллий талқинлари мавжуд. Бу эса мавжуд анъаналарнинг ёзувчи ижодидаги синтезидир.

Ўлим билан юзма-юз келган шахс руҳиятида кутилмаган ўзгаришлар юзага келади. Бунинг учун қаҳрамоннинг ўлиши шарт эмас. Масалан Кумушнинг шаънини ҳимоя қилишга отланган Отабекда шу руҳ кузатилади. Ўз рақиби билан олишиб уни енгиб чиқишни ўйлар экан одамларни ёллаш, ҳукуматга билдириш ёки қутидорни огоҳлантиришни ҳам ўйлаб кўради. Аммо ундаги йигитлик шаъни буларнинг барини инкор этади. Чунки рақиб билан танҳо олишув ва ёр оёғи остида қонли тупроққа қоришувни "ширин ўлим" деб баҳолайди. Шу тариқа бир ўзи уч одамга қарши чиқади. Биринчи рақиби Мутални ўлдирган Отабек унинг бўғзидан қўлини қўрқибгина олади. Кейинги рақиблари ўлимида қўрқув тамомила йўқолади. Ёзувчи Отабекдаги қўрқув ва унинг йўқолиши тасвирига эътибор қаратмайди, чунки айни шу вазиятнинг табиийлиги ва бу ўринда ёзувчи изоҳи ортиқчалик қилишини сезиш қийин эмас. Бу ерда ўлим ваҳимаси йўқ, тақдири қил устида турган инсон учун ўйлаш имкони бўлмайди.

Ҳомиднинг бутун айбларини бўйнига қўйиб, уни чавақлаб ташлаган Отабекнинг "кушхона"дан "алланучукланиб" қайтишида, тобут ясаётганларни кўргач, "тинчсизланиши"да руҳиятидаги бир қадар ўзгариш сезилса ҳам, ўз рақиблари ўлимидан сўнг Отабекда мағрурланиш зоҳир бўлади. Ундаги бу ҳолат Уста Олимнинг ҳар бир гапига кулимсирашида кўринади. Шундан сўнг у ўзини таништиришга ҳожат сезади. Шу тариқа ўлимга тик боқиш, ниҳоят, Мирзакарим қутидорга ботиниб гуноҳсизлигини исботлаш ва ўз аёли олдида ғолиблигини намойиш қилиш имконини беради.

Асар давомида Отабек қайта-қайта ўлимга дуч келади. Охири ҳам ҳаёти ўлим билан ниҳояланади. Бундай якун ёзувчига нега зарур бўлди? Аввало, ўлим олди ҳолатларида қаҳрамон руҳияти тобланди. Қушбеги ва Мусулмонқул билан тўқнашувда ўзини , Ҳомид билан тўқнашувда Кумушни, чор аскарлари билан тўқнашувда юртини ҳимоя қилди. Демак, ёзувчи Отабекка босқичма-босқич вазифа юклаб боради. Бу юк руҳий пўртаналарни енгиб ўтгач, альтруистик тус олади. Энди қаҳрамон менлиги ватан шарафини ҳимоялаш билан бирлашиб кетади. Бу Қодирий назарда тутган исломий руҳнинг қаҳрамон тийнатида зуҳур қилиши эди.

1917 йилги октябр тўнтаришидан кейинги дастлабки даврларида шўролар сўз ва ижод эркинлигини дарҳол тўсиб қўйишнинг уддасидан чиқолмагани, чунки унинг ғояларини куйлайдиган адиблар қатори ҳали шаклланмагани боис энг истеъдодли ижодкорларнинг кўпчилиги миллат ва ватан озодлиги учун курашаётган жадид адабиётига тегишли эди. Жадидларнинг ғоя ва қарашлари Қодирий қаҳрамонларига сингдирилди, янги тузум иллатлари тарих фони ортига кўчирилди. Ҳатто ёзувчи интуицияси билан ўз қисмати қаҳрамонлари тақдири мисолида башорат қилинди. Қодирийдан бошланган психологик таҳлилнинг диалог ва баён усули Чўлпонда ички монолог шаклида, Абдулла Қаҳҳор ва О.Ёқубовда қаҳрамон "мен"идаги зиддиятлар асосида давом эттирилди. Яъни унинг асаридан бошланган психологик таҳлил, кейинроқ, бошқа адиблар ижодида яна ҳам сайқаллаштирилди. Қаҳрамон психодинамикасидаги ўсиш ва ўзгаришлар, ҳаёт-мамот чегарасидаги инсон тақдирида ўрин тутган исломий қадриятларнинг устуворлиги XX аср шўро даври ўзбек адабиётида Қодирийгагина хос талқин бўлиб қолди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида). Филол. фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган дисс... Т., 2002.- Б.35-36
2. М.Қўшжонов. Қодирий – эрксизлик қурбони. –Т: Фан, 1992.- Б.6-7
3. Норматов У. Қодирий боғи. –Т: Ёзувчи, 1994.- Б.9
4. Психоанализ асослари. (Тузувчи-муаллиф: М.Отажонов). -Т:Ўзбекистон, 2004.- Б.45-48
5. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси (XX асрнинг 80 – 90-йиллари асосида). Филол.фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс...- Т., 2002.- Б.112
6. Л.Андреев. Осилган етти кишининг ҳикояси. Чўлпон. Асарлар. II жилд.- Т., 1994.- Б.434
7. Карим Б. Тақдир шамоли. Қодирий қадри. –Т., 2003.- Б.3-11
8. Ғаззолий Абу Ҳомид. Ўлимни эслаш китоби. Т.: Мовароуннаҳр. 2004 йил, 44 – бет.

Тошкент давлат педагогика университети,
2010 йил 11 мартда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. У.Норматов)